

МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ӮЙИНЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8179119>

У.Р.Элбоева

НДПИ «Жисмоний маданият» факультетининг З-курс талабаси

Қадимги аждодлардан мерос сифатида бугунги кунгача етиб келган ҳилма – ҳил ва жуда кўп ӯйинлар мавжуд. Таниқли олимлар Усмон Қорабоев / фалсафа/, Малик Муродов /филология/, Тальят Усмонхўжаев /жисмоний тарбия/, ва бошқа бир қатор мутахассислар ҳалқ миллий ӯйинларининг келиб чиқиши ва ривожланиши хақида қимматли далиллар келтирган. Улар ӯйинлар-нинг келиб чиқиш сабабларини ижтимоий турмуш, меҳнат, маданият ва бошқа соҳалар билан боғлашади. Уларнинг мазмунлари ва асосий йўналишлари «Ўзбек миллий анъаналари», «1001 ӯйин» ва бошқа монография ҳамда ўқув қўлланмаларида батафсил баён этилган.

Халқ миллий ӯйинларининг турларини қўйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

1. Кураш турлари / бухоро ва фарғонача усууллари, турон, қўл жанги/ .
2. От ӯйинлари / қўпкари – улоқ, пойга, отдан ағдариш, қиз қувмок, човгон, от устида қиличлашиш, найза улоқтириш, тортиш ва х.к./ .
3. Дорбоз дорда машқлар, ӯйинлар, масҳарабозлик, асқия ва х.к./ .
4. Арқон тортишиш.
5. Билак кучини синаш /қўлларни қайириш /
6. Пиёда пойга / батба-кросс/ .
7. Ҳаракатли ӯйинлар.
8. Камондан отиш.
9. Полоҳмон, шоҳмонлардан тош /кесак, бошқа қаттиқ думалоқ буюмлар ва х.к / отиш.

Халқ миллий ӯйинларининг кўпчилик турлари республиканинг тоғли ва чўл зоналарида кенг кўлланилмоқда. Шоҳмон, полоҳмон каби отиш ӯйинлари экин майдонларидағи ҳосилни қушлар галасидан қўриқлаш, ёввойи чўчқа ва бошқа ҳайвонларни хайдаш каби ижтимоий турмуш ва меҳнат шароитларда қўлланишлари баъзи жойларда учраб туради.

Миллий ўйинларни ифода этувчи ва айниқса уларнинг жанговарлик, меҳнат ва турмуш шароитларда мақсадли қўлланиши ҳақида халқ оғзаки ижоди дурдоналари / «Алпомиши», «Гўрўғли», «Қирқ қиз» ва ҳ.к/ ва тарихий манбаъларда мавжуд.

Ўзбек кураши, «Белбоғли кураш», Турон жанги каби миллий курашларимиз жаҳон спортига айланадиганлиги, от ўйинларининг халқ орасида эъзозланиши ва бошқа турларнинг ҳам ўзига хос ўринлари ҳақида биринчи бобда тегишли маълумотлар берилди. Шу туфайли уларнинг мазмунлари ҳақида сўз юритилмади. Ўзбек миллий ўйинларининг баъзи бирлари ҳақида ва уларнинг қисқача мазмунлари «Ҳаракатли ўйинлар» бобида берилади.

Миллий ҳаракатли ўйинларининг таълим-тарбиядаги ўрни

Одамларнинг ҳар бир амалий ҳаракатида / юриш, югуриш, сакраш, юк қўтариш ва ҳ.к /, айниқса жисмоний машқларни бажарганда маълум даражада жисмоний ривожланишининг у ёки бу кўриниши, жисмоний сифатлар били-нади. Бундай амалий ҳаракат фаолиятлар меҳнат, жисмоний машқлар, спорт турлари, ҳаракатли ўйинлар орқали тарбиялаш натижаларида бир мунча такомиллашган, ривожланган бўлади. Бу жиҳатлар ўзбек миллий ўйинлари ва ҳаракатли ўйинларида ҳам мужассамлашган, от ўйинлари, баъзи бир ҳаракатли ўйинлар / «Чиллик», «Ок суяқ», «Пода тўп» ва ҳ.к/ замонавий спорт турлари-нинг мазмуни, шакли, бажарилиш усуллари ва тарбиявий жиҳатлари билан тенглаша олади, хатто устунлик қилиши ҳам мумкин.

Миллий ҳаракатли ўйинларининг деярлик барча турларида чақонлик, эпчиллик, жасурлик, пахлавонлик, мардлик каби жисмоний сифатлар ва инсо-ний фазилатлар тўла мужассамлашган. Улар ҳақида Р.Абдумаликов, Р.К. Құдратов, К.Д.Ярашевларнинг «Қўпкари» илмий-оммабоп китобида /1997/ ба-тафсил баён қилинганлигини эътироф этиш лозим. Шунингдек А.К.Атоев, О.Р.Тоймуродов, Ф.А.Керимов, Ф.Н.Насриддинов ва бошқа мутахассис олим-ларнинг илмий тадқиқотлари, ўқув-услубий қўлланмалари, илмий мақолала-рида кураш, от ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар ва турли ҳил миллий тадбирлар-нинг таълим – тарбиядаги ўрни ва амалий моҳиятлари кенгроқ ифода этилган. Уларнинг таъкидлашича ёш болаларнинг очиқ хавода қувлашиб ўйнаши, кураш тушиши, хар ҳил миллий ҳаракатли ўйинларни мириқиб, қизиқиб бажариш-ларига асосий сабаб шундаки, юртимизда олиб борилаётган жуда қўп ва ҳилма-ҳил миллий байрамлар, тантаналар, анъанавий удумларнинг ижобий таъсиридир. Бунда ота-оналар,

мактабларнинг ўқитувчилари, катта ёшдаги мактаб ўқувчиларининг таркиб топиши, ўрин эгаллаши, оммавий ахборот воситаларида бу мавзуда ҳилмажил ҳабарлар, лавҳалар, хикоялар бериб бори-лиши ҳам нафақат ёш болалар, балки катта ёшдаги кишиларга ҳам катта қизи-қиши уйғатмоқда.

Болалари ва кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар билан миллий ўйинларнинг элементлари, ҳаракатли ўйинларнинг мақсадли ташкил қилиниши натижасида уларнинг онгига миллий қадриятларимиз тобора сингдирилмоқда. Натижада таълим-тарбия жараёнларида миллий ўйинлар тобора сингиб, кенг қўлланиш имкониятлари яратилмоқда. “Наврӯз”, Мустақиллик куни, касб-хунар куни, ҳосил байрами, нуфузли спорт мусобақаларининг бошланиши ва якунида намойиш этилаётган катта дастурдаги ўйинлар, спортча чиқишлиар ҳам мазкур соҳаларга чуқур таъсир этмоқда.

Халқ миллий ўйинларига катта эътибор бериб келинмоқда, чунки уларнинг мазмунида миллий қадриятлар, ғуур, ифтихор, мардлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, ўзаро ёрдам, катталарга хурмат, Ватанга садоқат, меҳр-муруват каби хис-туйғулар, фазилатлар, бурчлар, маъсулиятлар тўла мужассамлашган. Бу ҳислатларни кенг ёйиши, ахоли ўртасида, айниқса ўқувчи ёшларга чуқурроқ сингдириш мақсадида жуда катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларнинг баъзи бир томонларини қўрсатиш мумкин.

1. 1991 йил 25 апрелда Жizzах вилоятининг Фориш туманида илк бор халқ миллий ўйинлари Республика мусобақаси ўтказилди. Унинг асосий ташаббускорлари У. Қорабоев, шунингдек Т.С.Усмонхўжаев ёрдамида ва Республика давлат спорт қўмитаси, Жizzах вилояти ва Фориш туманининг хо-кимлари раҳбарлиги, бевосита ғамхўрлиги туфайли бу ўйинлар жуда қизиқар-ли бўлиб ўтди. Айниқса кўпкари, пойга, кураш, турли ҳил ҳаракатли ўйинлар мактаб ўқувчилари, талабалар ва катта ёшдагилар гурухларига бўлинib мусобақалашиш барчанинг қизиқишига сабаб бўлди. Бу ўйинлар 1996 йилгача ҳар йили Форишда анъанавий равишда ўтказиб келинди. Кейинчалик бу тадбирни ҳар икки йилда бир маротаба ўтказишга қарор қилинди.

ЎзРВМнинг маҳсус қарори асосида «Алпомиши» достонининг яратилишига 1000 йил тўлишини нишонлаш /1998/ мақсадида Алпомиши юрти Сурхон воҳасида «Алпомиши ўйинлари» Республика фестивали /Термиз, 1998/ ташкил қилинди. Бу катта умум миллий байрам ва илмий анжуманга сабаб бўлди. Ўйинларда Форишда ташкил қилинган мусобақалар турлари давом эттирилди. Илмий анжуманлар эса халқ миллий ўйинларини кенгроқ

урганиш, уларни ўкувчи ёшларга чукур сингдириш, ўкув юртларининг жисмоний тарбия дарс-ларида мақсадли фойдаланиш муаммолари кенг мухокама қилинди ва қиммат-ли амалий тавсиялар берилди.

2000 йил Фарғонада “Алпомиш ўйинлари” Республика фестивали давом эттирилди. Бунда ўйинлар таркибига янги ҳаракатли ўйинлар, миллий спорт турлари кенгроқ киритилди. Фестивалга бағишилаб Республика илмий анжумани ташкил этилиб, таниқли олимлар, ёш тадқиқотчилар ўртасида миллий ўйинларнинг баязи муаммолари бахслар асосида чукурроқ мухокама қилинди.

Бунда асосан миллий ўйинларнинг таълим-тарбия жараёнларидағи аҳамияти, уларни оммалаштириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш каби муаммолар ўртага қўйилди.

Мазкур ўйин 2002 йилда Гулистанда ташкил этилиб, аввалги анъаналар давом этирилди.

2. Халқ миллий ўйинлари хотин-қизлар орасида ҳам қадимда кенг қўлланилиб келинган. Бу анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш мақсадида 1999 йилда Жиззахда “Тўмарис ўйинлари” Республика фестивали аёллар иилига бағишиланиб ўтказилди. Бунда Республиканинг барча вилоятларидан терма жамоалар йиғилиб, ўзаро куч синашдилар. Кейинги ўйинлар 2001 йилда Шаҳрисабз ва 2003 йилда Намангандаги тантана билан ўтказилди. Бу мусобақа-ларнинг ижтимоий – тарбиявий хусусиятлари маҳаллий миллат хотин-қизлари-нинг спортга бўлган этиқодлари, қизиқишиларини ривожлантиришда анча катта хисса қўшмоқда.

3. “Наврӯз” Мустақиллик куни ва бошқа оммавий байрамларда халқ миллий ўйинларидан кенг фойдаланилмоқда. Уларда кураш, от ўйинлари, ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланган равишда тарғибот воситаси ҳамда тадбирларнинг мазмуни сифатида олиб борилмоқда.

4. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Унверсиада”, “Маҳалламиз полвонлари”, “Соғлом оила” спорт ўйинлари, ишлаб чиқариш меҳнат жамоалари ва қасб-хунар йўналишидаги турли муассасаларда ўтказилаётган спартакиадалар ва бошқа нуфузли спорт мусобақаларида халқ миллий ўйинларини намойиш жараёнларида ифодалаш, намуна қилиб кўрсатиш ва бахслашиш ша-клларида кенг тарғибот қилиб борилаётганлиги мухим аҳамият қасб этмоқда.

5. Болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус ва олий ўкув юртларининг “Жисмоний тарбия” дастурларида курашлар, миллий ҳаракатли ўйинлар ва бошқа турларнинг ўрин эгаллаши ва мақсадли

равишда уларни амалга ошириб борилиши мустақилликнинг ифодаси дейиши мумкин. Шунингдек халқ миллий ўйинларининг ижтимоийтарбиявий ҳусусиятлари ижтимоий турмуш маданиятилизга тобора чуқуррок сингиб бораётганлигидан далолат-дир.

Хулоса қилиб айтганда халқ миллий ўйинларининг турлари, уларнинг мазмун ва мақсадлари юртимиизда ёш авлодни ҳар томонлама жисмоний камолатга етишиш йўлида тарбиявий восита сифатида фойдаланилмоқда.